

Ўзбекистонда Фуқаролик Таълими Олиб Борилиши Ва “Тарбия” Фани

Жумабаев Амир Дарменбаевич

ЎзМУ таянч докторанти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Таълим сиёсатида мактаб дастурлари кесимида фуқаролик таълимининг олиб борилиши ва ундаги таркибий ўзгаришлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, фуқаролик таълими тизимида янгидан жорий этилган “Тарбия” фани ва унинг ўзига хослиги юзасидан соҳадаги сўнгги ислохотлар анализ қилинган.

Таянч сўзлар: Фуқаролик таълими, ахлоқий ва ҳуқуқий таълим, мактаб дастурлари, таълим сиёсати, “Тарбия” фани, методлар.

Давлатимиз бозор муносабатларига асосланган, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Америкалик ёзувчи Чарльз Дадли Уорнер, “Буюк давлатлар фақат муносиб фуқаролар тарафидан ташкил қилинади” деганидек, бу йўлда давлатимиз келажаги учун ватан тағдирига, рифожига бефарқ бўлмаган, фаол фуқаролик позициясини ўзида мужассам этган фуқароларни тарбиялаш зарур. “Мамлакатимизда кенг қўламда тизимли равишда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган натижаларга эришишда, хусусан, ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, энг аввало, фуқароларни, айниқса, ёшларни чуқур билимли, теран фикрли, ўз ўтмиши дурдоналаридан ва маънавий кадриятларидан хабардор, ватанпарвар, ҳақиқатпарвар, фидойи қилиб тарбиялашни тақоза этади”.

Ҳар бир давлат таълим сиёсатида фуқаролик таълимини олиб боришнинг ўзига хос йўли бор. Албатта, демократик жамият қуришни мақсад қилган ҳар бир давлатнинг бугуни ва келажаги ривожда фаол фуқаролар ҳал қилувчи рол ҳисобланади. Чунки, фуқаролик жамияти инсон манфаатлари йўлида инсонларнинг ўзи тарафидан ташкил этиладиган ва бошқариладиган уюшмасидир. Яъни, давлатнинг ривожига ҳам, фожеаси ҳам фуқаролар амалга оширганидан ортигини ёки камини бермайди.

Ҳозирги вақтда Европа ва Шимолий Америкадаги кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда сиёсий ва фуқаролик таълими учун махсус институтлар яратилган ва фаолият кўрсатмоқда. Улардан, Европа Кэнгаши XXI асрнинг бошларидан буён демократик фуқаролик онгини ривожлантириш бўйича кенг қўламда дастурлар билан бир қатор тавсиялар яратиш келмоқда. Бундан ташқари, Халқаро Сиёсатшунослик Ассоциациясининг тадқиқот кўмитаси сиёсий ва бошқа фанларни ўқитиш ва тадқиқотлар олиб бориш бўйича тадқиқот натижаларини эълон қилиб бормоқда. Ушбу тадқиқотларнинг аксариятида, сиёсий таълим, фуқаролик таълимининг, шу билан бирга ахлоқий таълимнинг олиб борилиши юзасидан мақбул моделлар ва тавсиялар берилган бўлиб, буни Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги сўнгги ислохотларида ҳам намуна ва тажриба сифатида қўллаш мумкин.

Давлат миқёсидаги замонавий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларда фуқаролик таълими, шахснинг фуқаролик компетенцияларини шакллантиришнинг алоҳида аҳамияти тан олинади. Шу ўринда, ахлоқий таълим жараёнининг янги мақсадлари ва мазмуни педагогикада фуқарони тарбиялашга доир ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, терминологик илмий базани конкретлаштириш ва замонавий шароитда шахснинг фуқаролик позициясини шакллантириш юзасидан ёндашувларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш масаласини кўтариши шарт.

Мустақиллик йилларида тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, демократик қонунларнинг ишлаб чиқиши, сиёсий плюрализм ва эркин сайловлар учун тўлиқ шароитлар яратилиши, фуқаролик еркинликларининг таъминланиши фуқароликнинг тўлиқ шаклланиши учун етарли емас. Демократик жараёнлар ва фуқаролик жамиятининг барқарор фаолият кўрсатишининг асосий шарти бу жамият фуқароларининг, айниқса, ёш авлодта фаол фуқаролик позициясининг мавжудлигидир. Жамиятни демократлаштириш, таълим-тарбия жараёни, илмий-педагогик фикрни мафкуравий тазийқдан озод қилиш шахсни фуқаролик шакллантириш муаммосига янгича назарий-методологик ёндашувларни ўрганиш ва ишлаб чиқишни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир давлат ўз таълим тизимида фуқаролик таълими тушунчасига ўзига хос ёндашади, шунингдек, ёндашув ҳар хил бўлгандан кейин ўз-ўзидан маълумки, бу жараёни олиб боришда, таълим тўғрисидаги қонунчиликда, ўқитилишида ва қатор унга қўйилган стандартлар да фарқланишлар бўлиши табиий. Мазкур фарқланишлар, фуқаролик таълимининг олиб борилиши, ёшларнинг фуқаролик позициясини амалга ошириши учун таёргарлик, демократик жараёнлардаги иштироки ҳолатлари ICCS томонидан атрофлича тадқиқ қилинган.

Дуниё таълимотида фуқаролик таълими уч компонентдан иборат, улар: ҳуқуқий таълим, сиёсий таълим ва ахлоқий таълим. Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистон Таълим тизимида ҳам, хусусан Фуқаролик таълимини олиб борилиши юзасидан кўплаб ишлар олиб борилди. Бунини шу пайтгача амалда бўлган Фуқаролик таълимни қисман ташкил этувчи фанларнинг алоҳида махсус бир фанга “Тарбия”га тўпланиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тарафидан 2020 йил 6 июльда қабул қилинган “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №422сонли қарори билан тасдиқланган Концепсиядаги бир қатор ўзгаришларда кўришимиз мумкин.

Келинг юқоридаги ICCS ташкилотининг фуқаролик таълимини олиб борилиши юзасидан классификация қилинишини Ўзбекистон мисолида кўриб чиқамиз.

Фуқаролик таълимини олиб боровчилар.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, фуқаролик таълимини олиб боровчилар ўртасида фарқланишлар бор. Масалан, баъзи давлатларда бу бевосита тарих билан боғланган; бошқаларида эса она тилини билиш билан сертификатланганлар; айримларида эса дин билан боғланган бўлса, яна бирларида ижтимоий фанлар номи остидаги фан ўқитувчилари билан боғланган. Шу ўринда, қўшимча тарзда яна бир ҳолатни айтиб ўтишимиз лозим, бази ҳолларда бу фаолият дарсдан ташқари, таълимий дастурдан бўлак фаолият сифатида гавдаланади, ва бу ҳолатда йўналишидан қатъий назар ҳар бир ўқитувчи масъул ҳисобланади. Мазкур жараён республикамиз мактабларида Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 6-июльдаги 422-сонли қарорига асосланиб, фуқаролик таълимини олиб боровчи, яъни “Тарбия” фани ўқитувчилари ҳисобланган, «Бошланғич таълим», «Тарих» (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), «Тарих ўқитиш методикаси», «Филология ва тилларни ўқитиш: Ўзбек тили», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими», «Педагогика ва психология», «Диншунослик» ва Исломшунослик (Ислом тарихи ва манбашунослиги)», «Психология (Дин социопсихологияси)» йўналишлари мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик таълими учун асосий манба фан.

Респондентлардан тарафидан маълумот тўплаш вақтида қандай фуқаролик билан боғлиқ фанларни ўқитаётганликлари сўралган. Бу ҳолатда асосий бирликлар: (1) тарихга кучли эътибор, (2) тарих ва фуқаролик таълимининг кучли комбинацияси, 3 мавзулар ёки фанлар орасида аниқ бир махсус фанларга эътибор қаратмаслик, лекин биз уларни икки турга ажратдик, бири дин ва

этика билан бирга, 2-си уларсиз. Кўпгина мамлакатларда фуқаролик таълими турли мавзулардан келиб чиққан. Масалан, Венгрия фуқаролик таълимида жудаям катта тарихга урғу берган мамлакатлар қаторидан. Австралия ва Греция тарих ва фуқароларнинг яқин комбинациясига мисол бўла олади, дин ва ахлоқ. Мазкур ҳолат мустақил Ўзбекистон фуқаролик таълимида 2та ўзига хосликка эга. Яъни, янги “Тарбия” фани мисолида бу этика, фалсафа ва психология сингари фанларнинг комбинацияси бўлса, ундан аввалги даврда кўпроқ давлатнинг миллий ғояси билан боғланган. Бунга мисол қилиб ўша давр 8-синф дарслигининг ўзи “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” деб номланишини кўрсатишимиз мумкин.

Фуқаролик таълими материаллари

Фуқаролик таълими жараёнини олиб боришда фойдаланиладиган материаллар соҳасида ҳам тадқиқотлар бўлган. Ва бу борада анча баҳсли масалаларга юзлашдик. Яъни, дарс доирасида ўқитувчилар асосий ролга чиқиб кетиши, шахсга йўналтирилган усуллардан фойдаланмаслик, замонавий педагогик технологияларни тўғри қўлланмаслик ва шу сингарилар. Шунингдек, масаланинг яна бир тарафи, фуқаролик таълими жараёни мактаб дастуридаги бошқа фанларга қараганда белгили бир қолипга келтирилмаганлиги, ва қатъий ўқитиш минимумлари, фойдаланиши лозим бўлган расмий ва норасмий материалларнинг чегараси кўрсатилмаганлиги сингари ўзига хослик юзага келган. Тадқиқотчилар бу ҳолатнинг фойдали тарафи ўқитувчиларнинг эркин изланишига, материаллар билан таъминлашда қотиб қолган қоидалар доирасида амалга оширилмаслигига олиб келади дейишса, бошқалари ҳар қандай ҳолатда мамлакат тарафидан ўқитишнинг минимумларини яратилиши лозим дейишади. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон фуқаролик таълимида дарсликлар бўлса, шу билан бирга Таълим вазирлигининг янги фан доирасида қўлланиладиган методлар орасида Лойихага асосланган таълим технологияси ҳам қўлланилиши материалларнинг дарсликдан ташқарига чиқиши, ўқитувчининг ўз устида индивидуал ишлаши ва ўқувчиларга кенгрок ва замонавий маълумотлар билан ҳам улашишидан дарак беради.

Фуқаролик таълимининг мактаб таълим дастурида акс этишининг дунё амалиётида асосан 4 шакли бор бўлиб, булар:

- 1) Фуқаролик таълими махсус фан сифатида;
- 2) Фуқаролик таълимининг ижтимоий фанлар таркибига киритилиши;
- 3) Фуқаролик таълимининг умумий барча фанлар кесимида ёйиб юборилиши;
- 4) Ва қўшимча синфдан ташқари фаолият сифатида акс этиши ҳолатлари бор.

ICCS ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ, фаннинг синфдан ташқари фаолият сифатида ташкил этилиши энг кам овоз олган бўлса, ижтимоий фанлар таркибида акс этиши энг мақбул деб топилган. Ўзбекистон Фуқаролик таълимида ахлоқ ва сиёсий таълимни “Тарбия” фани ва ҳуқуқий таълим эса “Конституциявий ҳуқуқ” ва “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанлари таъминлайди. Шунингдек “Ўқув”, “Адабиёт”, “Ўзбекистон тарихи”, “География” ва бошқа да бир қатор фанларда ватанпарварлик, фидойилик, инсонпарварлик, ташаббускорлик сингари фуқаролик позициясининг дастлабки “куртак”ларини шакллантирувчи элементларни қуришимиз мумкин. Бу орқали эса, Ўзбекистон Таълим сиёсатида ҳам фуқаролик таълимининг ижтимоий фанларга интеграциясини амалга ошди деб тўлиқ айта оламиз.

Республика таълим марказининг маълумот беришча, янги дарсликнинг аввалгиларидан асосий фарқлари:

- 1) "Тарбия" дарслиги "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ҳамда "Дунё динлари тарихи" фанларини бирлаштирди.

- 2) 1-9-синфларда – 2020/2021 ўқув йилидан, 10-11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилади.
- 3) Дарсликларини тайёрлашда Япониянинг "Ахлоқ таълими", Сингапурнинг "Феъл-атвор ва фуқаролик таълими", Буюк Британиянинг "Тафаккур", "Хулқ таълими" фанлари ва дарсликлари яқиндан ўрганилди.
- 4) Илк маротаба дарсликларда 21-аср кўникмалари деб ном олган "юмшоқ кўникмалар" жорий қилинди. Дарслик орқали ўқувчида билим беришдан ташқари кўникма шакллантирилади.
- 5) Янги фан дарсликларидаги амалиётга йўналтирилган машғулотлар ва мавзулар ўқувчида муваффақият мотивларини уйғотади. Фаол фуқаролик позицияси шакллантирилади.
- 6) Ўқув фани моҳияти 50% назарий, 50% амалий асосга қурилган.
- 7) "Тарбия" дарсликларида "role-model", яъни "намуна келтириш" замонавий педагогик методидан унумли фойдаланилган. Унда миллий ва халқаро миқёсда юксак натижага эришган инсонлар ютуқлари таҳлил қилинади.
- 8) Синов тариқасида 1-9 синфгача бўлган дарслик устида битта ижодий жамоа ишлади. Бу ҳар бир синф дарслиги ўртасидаги тафовут ва тақрорланишларни олдини олди ва бир бутун, изчилликдаги дарслик яратилиши таъминланди.
- 9) Дарслик ёрқин, рангли, иллюстрацияларга бой ва ҳар бир бўлими ўзига хос фон, миллий ва умуминсоний хулқ, ижтимоий малакани ифода этган расмлар билан таъминланган. Ҳар бир дарслик учун video, audio, media материаллар жамлашган диск берилади.
- 10) Инсоннинг келажақда муваффақиятли инсон бўлиш энг аввало тўғри мақсад қўйишга боғлиқ. Дейл Карнеги, Браян Трейси каби машҳур лекторнинг таълимотига кўра, ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиш ва унга еришишни ўрганиш ҳам аслида бир фан. "Тарбия" фанининг аҳамиятли жиҳати шуки, у босқичма-босқич болада мақсад қўйиш ва унга интилиш кўникмасини шакллантириб боради. Тарбия дастурига назар ташлайдиган бўлсак,
 - 1-синфда ўқувчи дастлаб орзуларини аниқлай олишни ўргатилса,
 - 2-синфда ўз олдига мақсад қўя олиш кўникмаси шакллантирилди.
 - 3-синфда ўқувчида дастурни ўзлаштириш натижасида мақсад ва орзу-умидларини амалга оширишга ҳаракат қилиш кўникмаси пайдо бўлади.
 - 4-синфда атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга соғлом муносабат билдира олади, шахс сифатида ўзини англайди ва ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилади.

Юқори синфларда бу кўникмалар шакланиб, ўқувчи ўз олдига мақсад қўя олиш, мустақил фикрлаш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, тўғри қарор қабул қилиш каби кўникмаларга эга бўлади.

Шунингдек, соҳа ривожига яна бир яхши янгилик, Халқ таълими вазири буйруғи билан тасдиқланган "Тарбия" фани учун махсус тарбия фанини ўрганиш босқичлари ва давлат даражалари ишлаб чиқиши.

Концепция асосида яратилган дастур амалдаги Соғлом авлод асослари, Саломатлик, Йўл ҳаракати қоидалари, Ҳаёт хавфсизлиги асослари, Саломатлик дарслари, Ҳуқуқий тарбия, Экологик тарбия, Медиа маданияти, Иқтисод ва солиқ сабоқлари каби бир қанча факультатив ўқув курслари дастурларини бирлаштиради.

Маълумотга кўра, умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фани 1-9-синфларда ҳафтасига 1 соатдан, ўқув йили давомида эса 34 соат ўқитилади. Шунингдек, ўқитувчилар учун "Тарбия"

фани бўйича дарсларни ташкил қилиш юзасидан замонавий ёндашувлар ўрин олган услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Бу фаннинг Давлат Таълим дастурига киритилиши Ўзбекистон Фуқаролик таълимида янги босқичнинг бошланиши деб ҳисоблашимиз мумкин. Умуман, мустақил Ўзбекистон фуқаролик таълими тарихини 3 даврга бўлиб ўрганишимиз мумкин, булар::

- 1) мустақиллик йилларидан 2000-йилгача.
- 2) 2000 йилдан 2020 йилгача.
- 3) 2020 йилдан ҳозиргача.

1-босқич-мустақилликнинг дастлабки йиллари. Шунинг учун ҳам бу давр қайсидир маънода ўзига хос "ўтиш" даври эди. Таълимда асосан фуқаролик таълимнинг энг оддий элементлари ўргатилган.

2-босқич. Бу даврнинг бошланиши шахсан биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан боғлиқ эди. 8 июнь 2000 йилда "Фидокор" газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида мафкура масаласида бепарқ бўлиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Шунингдек, мафкура бўшлиғи туфайли юз бераётган айрим салбий ҳолатларга ҳам тўхталди. У миллий ғоя тушунчасини фуқаролик таълимига олиб кирди ва 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида мамлакатимиз таълим тизимида жорий этилди.

Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айти вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида янги ёш давлатимиз олдида мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни, жамиятда тинчлик ва аҳилликни, миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, мустақилликнинг узок йилларга мўлжалланган ижтимоий сиёсий тараққиёт йўлини белгилаб олиш, истиқлолимизни ички ва ташқи хуружлардан асраб-авайлаш, янги жамиятнинг янги, юксак маънавиятли, мустақил фикрлашга қодир, айти чоғда, мамлакат, миллат тарихини яхши биладиган, улуғ аجدодларимиз қолдирган илмий-маънавий меросдан баҳраманд ёшларни тарбиялаш вазифаси турар эди. Бу вазифага киришишни мутлақо кечиктириб бўлмасди. Чунки ўша йиллариёқ ғоявий тарғиботда, айтиқса, таълим-тарбия соҳасида юзага келган бўшлиқни эгаллаш учун кескин кураш бошланган, мамлакатимизга турли ниқобларда ёт, ғаразли оқимлар кириб келаётган эди.

3 босқич. Замонавий дунёда мактаб болалари ва ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва ёшлар билан ишлашнинг янги моделларини яратиш зарурати 2020 йилдан бошлаб мактаб ўқув дастурига янги "Тарбия" фанининг киритилишига олиб келди. "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар" фармонида соҳа олдида бир қанча вазифалар қўйилди.

Юқоридаги, Ўзбекистон фуқаролик ривожланиши тарихининг даврий босқичлари қаторига мустақиллик йилларигача бўлган даврни ҳам киритишимиз мумкин. Бу давр ўзининг давлат ва жамият бошқарувидаги кескин фарқланиши билан ажралиб туради. Бу ҳолат ўз-ўзидан маълумки, албатта, бевосита фуқаролик тушунчаси, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, позициясига бўлган қарашларга таъсир этиши табиий. Зеро, тарихан, фуқаролик жамияти таркибидаги, табиатидаги ўзгаришлар, қоида тариқасида, ўз-ўзидан фуқаро тарбияси учун ҳам ижтимоий тартибни ўзгартиришга олиб келади. Муайян шахснинг бирон бир давлатга мансублиги унга

фаолиятнинг муайян шартларини, унинг фуқароси бўлишига қўйиладиган муайян талабларни белгилаб беради. "Фуқаро", "фуқаролик" тушунчаларининг аниқ тарихий талкинлари фуқаро шахсини тарбиялаш бўйича давлат ва ижтимоий буюртмаларни тушунишга, педагогик мақсад ва вазифаларни, шахсни фуқаролик тарбиялашнинг мазмуни, усуллари, умумлаштириб айтганда соҳада бутунлай фундаментал ва тизимли ўзгаришлар юз беришига олиб келади.

Умумлаштириб шуни айтишимиз мумкинки, Тарбия фани Ўзбекистон фуқаролик таълимида янги босқич. Ўқитувчи-тарбиячи ўқувчиларга билим бериш, маълумотли қилиш, тарбиялаш мақсадида унга тизимли таъсир кўрсатади. Бунда психология ва ижтимоий омилларга асосланади. Яъни, кўрсатилаётган таъсирнинг самарасини билиш учун ўқувчининг сезги, идроки, тасаввур, диққат ва тафаккур — фикрлаш жараёнининг қандай кечаётганини билишига асосланиб таъсир кўрсатиш режасини белгилайди. Демак, тарбия фани психология ва социология каби фанлар билан ҳам узвий боғлангандир. Маълум маънода ўқитувчиларга хизмат қиладиган психология туркумидаги фанларни ҳам педагогик фанлар тизимида киритиш мумкин.

Фалсафа фани эса тарбия фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, ҳозирги таълим-тарбия назарияси ютуқлари фалсафий фикрлар кураши ва тараққиётнинг маҳсулидир.

Фалсафа тарбияни илмий усуллар билан куруллантиради, таълим ва тарбиянинг объектив қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга манба бўлади.

Этика ва эстетика фанлари тарбиянинг назарияси бўлими бўйича маълумот беради. Бу фан ўқувчининг хулқи, одоби меъёрларини аниқлаш, белгилаш ҳамда гўзалликни чин маънода тушунтириш, ўқувчи онгида ҳаётнинг жозибали, нафис қирраларига бевосита рағбат уйғотиш борасида педагогика фани билан алоқададир. Фанларни ўқитиш йўллари ҳам тарбия фанининг дидактикасига алоқадор, чунки ҳар қандай фанни ўқитилиш усули шу фаннинг мазмуни, тизимини ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинишига хизмат қилади. Демак, тарбия фани болалар анатомияси, физиологияси, болалар гигиенаси маълум режа асосида йиғилган далилларни таҳлил қилиш, қиёслаш негизида ташкил этилсагина самарали бўлади.

Янги Ўзбекистон шароитида маънавий тарбия ва ижтимоий гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, бўлажак мутахассисларнинг муҳим шахсий сифати сифатида фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш муҳим вазифалардан бўлиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора –тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4307-сон қарори, 2019-йил
2. Умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фанини босқичма-юсқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 422-сон қарори., 2020-й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий ту-шунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурини яратиш ва Республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. // «Маърифат» газетаси, 2001 йил 20 январь.
4. Humboldt University of Berlin, and University of Maryland-College Park. IEA Civic Education Study, 1999: Civic Knowledge and Engagement Among 14-Year-Olds in 23 European Countries, 2 Latin American Countries, Hong Kong, Australia, and the United States. Ann Arbor, MI: Inter-university Consortium for Political and Social Research [distributor], 2016-11-07. <https://doi.org/10.3886/ICPSR21661.v3>

5. European Parliament resolution of 6 April 2022 on the implementation of citizenship education actions (2021/2008(INI)) (OJ C 434, 15.11.2022, p. 31).
6. Verlag Barbara Budrich. Political Science and Digitalization – Global Perspectives.- Opladen • Berlin • Toronto 2019.
7. Wolfram Schulz John Ainley Julian Fraillon Bruno Losito Gabriella Agrusti Valeria Damiani Tim Friedman. Education for Citizenship in Times of Global Challenge IEA International Civic and Citizenship Education Study 2022 International Report.
8. Ҳасанов Р., Утамуродов А., Қирғизбоев М., Иноятов Қ. Фуқаролик жамияти: маърузалар курси. – Т.: Наврӯз. 2018.